ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00320

ПСИХОЛОГИЯДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯНИ ҚЎЛЛАШГА ДОИР ЗАМОНАВИЙ ҚАРАШЛАР

Маъсума Абдурахмон қизи Саъдуллаева
МТТДМҚТМО Институти “Педагогика ва психология” кафедраси катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада буганги кундаги психология фани ривожи ва унинг ҳар бир соҳа учун тутган ўрнини ва вазифаларини илмий таҳлил этишга ҳаракат қилинган. Чунки кўпгина ривожланган мамлакатлар мисолида кўрадиган бўлсак психология фани аниқ фанлар қаторига қўшилиб бормоқда.

Калит сўзлар: Психика, психология, рақамли технология, таҳлил, метод, ёш даврлари, таълим, педагогика.

MODERN APPROACHES TO THE APPLICATION OF DIGITAL TECHNOLOGY IN PSYCHOLOGY

Masuma Abdurakhmon kizi Sadullaeva
Senior Teacher of the Department of "Pedagogy and Psychology" of Institute of Pre-School Education Trainers

ABSTRACT

This article seeks to scientifically analyze the current development of the science of psychology and its place and role in each field. This is because the large gathering seen in the example of many developed countries has focused on the participation of new disciplines in psychology.

Keywords: Psychology, psychology, digital technology, analysis, method, age, education, pedagogy.

КИРИШ

Сўнгги йилларда мамлакатда психология соҳасида педагог кадрларни тайёрлаш ҳамда амалиётчи психологлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид бир қатор ишлар амалга оширилди.

Ҳозирги кунда мактабгача таълим тизимида 2 503 нафар, халқ таълими тизимида 14 272 нафар педагог-психолог кадрлар фаолият олиб бормоқда.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00320

Республиканинг 10 та олий таълим муассасасида «Психология», 19 та олий таълим муассасасида «Педагогика ва психология» таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича 5 717 нафар талаба таҳсил олмоқда. Ушбу соҳада қабул квоталари кескин оширилди, хусусан 2019-2020 ўқув йилининг ўзида 2 665 нафар талаба ўқишга қабул қилинди. 2017 йилдан бошлаб профилактика инспекторлари ва жамоатчилик вакилларининг таълим муассасаларида ёшлар билан ишлаш тизими йўлга қўйилиб, 5 696 та умумий ўрта таълим муассасасида профилактика инспекторлари, 5 328 та умумий ўрта таълим муассасасида эса маҳалла вакилларининг хоналари ташкил этилди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Олиб борилаётган ишлар кўламига қарамасдан соҳада зудлик билан бартараф этилиши талаб этиладиган қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Шундан келиб чиқиб Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 472-сон қарори қаъбул қилинди. Унда келтирилган муаммолар қўйидагича:

биринчидан, таълим тизимининг барча босқичларида ёшларнинг психологик ҳолати диагностикасига ихтисослашган психолог кадрлар ҳамда ташкилотлар мавжуд бўлсада, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни амалга оширадиган ягона тузилманинг мавжуд эмаслиги психологик хизматлар фаолияти самарадорлигининг паст даражада қолишига таъсир кўрсатмоқда;

иккинчидан, таълим муассасаларида профилактика инспекторлари ва маҳалла вакилларининг хизмат хоналари ташкил этилган бўлсада, уларнинг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлиги йўналишлари ҳамда фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизмлари белгилаб берилмаган;

учинчидан, аҳолига психологик хизмат кўрсатиш етарлича йўлга қўйилмаганлиги оқибатида жамиятда ижтимоий-психологик, жумладан, оилавий муаммолар (ажримлар, оиладаги низолар, ота-она ва фарзанд муносабатлари, қариндошлар ўртасидаги никоҳ, эрта туғруқ), «оммавий маданият»нинг салбий таъсирларига тобелик, ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари давом этмоқда;

тўртинчидан, олий таълим тизимида психология соҳасида тайёрланаётган амалиётчи психолог кадрларнинг билимлари умумий бўлиб қолиб, тор соҳа мутахассисларини тайёрлаш амалиёти йўлга қўйилмаган;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00320

бешинчидан, психология соҳасида магистратура вадокторантурагақабул сони паст даражадабўлганлигиоқибатида, миллий психология мактабинишакллантиришдаоқсоқликсезилмоқда;

олтинчидан, психолог кадрларнинг молиявий рағбатлантирилиши, аҳолига психологик хизмат кўрсатувчи марказлар фаолиятининг қониқарсиз аҳволда эканлиги уларг атажрибали психолог кадрларни жалб қилиш имкониятини бермаяпти. Аҳолига, айниқса ёшларга сифатли психологик хизмат кўрсатиш, психологик хизмат фаолиятини бошқаришни мувофиқлаштириш, таълим муассасалари билан профилактика инспекторлари ва жамоат вакиллари ўртасидаги ҳамкорликни сифат жиҳатдан янгидаражага кўтариш, психология мактабини ривожлантириш ҳамда олий таълимда тор ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этиш, психологик марказлар ташкил этиш асосий муаммолар сифатида кўриш мумкун.

МУҲОКАМА

Хусусан ўтган 2020 йилни Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилиниши билан психология фанини тармоқлари бўйича хар бир соҳадаги тутган ўрнини ривожлантириш ва мустахкамлаш бўйича йўл харитаси қабул қилинган. Жумладан:

1. Узлуксиз таълим тизимида психологик хизматларнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш учун «Психологик хизмат» концепциясини яратиш.
2. Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари психолог ходимларининг тармоқ тариф-малака маълумотномаларини қайта кўриб чиқиш.
3. Таълимнинг барча босқичларида психологик хизмат ходимлари учун методик қўлланмалар ишлаб чиқиш.

Мавзуни долзарблини тўғрисида тўхталиб, шуни айтиш мумкунки технология тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкун ***“технология”***-сўзи фанга 1872 йилда кенг қўллана бошлаган ва юнонча “techne” сўзидан олинган бўлиб, маҳорат, санъат, малака,“logos”эса - сўз, таълимот маъносини англатади. Бироқ бу ифода замонавий технологик жараённи тўлиқ тавсифлаб бера олмайди, технологик жараён дейилганда-меҳнат қуроллари билан меҳнат воситаларига таъсир этиш натижасида маҳсулот яратиш бўйича қилинган меҳнат ва жараёнлар тушунилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00320

НАТИЖАЛАР

Шу сабабли технологияпсихологиянинг ўзаро таъсири соҳаси бўлиб, бу ҳозирги даврда айниқса ривожланмоқда. Барча омилларни хиссобга олган ҳолда хукумат томонидан психология соҳаси ривожига эътибор қаратиш мақсадида 2020 йил 25 декабрь куни https://regulation.gov.uz/oz сайти орқали Ўзбекистонда Психология университетини ташкил этиш тўғрисида қарор лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига киритилганини ўзи соҳада катта бурилиш бўлди.Бунга нима сабаб бўлди янги таълим муассаси давлатга нима беради инсонларга қандай фойдаси тегади? деган бир қатор муаммолар турибди ва бу муаммоларга ечим қайси йўл билан топилади, унинг учун кадрлар қандай ишлаши керак?. Бунга жавоб бериш учун қуйидаги тадқиқотни мисол қилиб келтиришимиз мумкун,масалан 20 - асрнинг 60-йилларида АҚШда шундай психологик тадқиқотлари ўтказилдики, бу тадқиқотлар нафақат олимларни балки, йирик корхоналар раҳбарларини ҳам қизиқтирди. Бу тадқиқотларда асосан инсоний қадриятлар ва яшаш усуллари ўрганилган бўлиб, уларнинг натижасида қуйидаги муҳим саволларга жавоб топилди:

- кишилар келгусида нималарни, қандай муносабатларинихоҳлайдилар;
- нималарга эҳтиёж сезадилар;
- ҳамма нарсадан нимани устун қўядилар;
- кишилар эҳтиёжини қандай қилиб аниқлаш мумкин?

Шунинг учун психологик тадқиқотларида асосий мақсад кишилар эҳтиёжларини тушуниш, идрок этиш хусусиятларини билиш, мижозларнинг дунёқарашларини ўрганиш, шахс рақобатчилари, лидерлик ва бошқа турли жиҳатларни инобатга олиш кўзда тутилади.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтишмиз мумкунки психологик хизматларда самарали ёндашишда албатта умумий холда ёндашиш ва индивидуал холда ёндашиш турлари ҳам кузатилади. Чунки айрим ҳолда шахслар учун аҳамиятли шундай томонлар бўладики, психологик хизматлари яхши бўлиши учун буни ташкилот томонидан инобатга олиш зарур. Масалан, ходимнинг ўз услуби, сервис, мижоз характери хислатлари, иқтисодий мавқеи, қулайлик, танлаш мотивлари. Ташкилот ҳам ўз навбатида ижтимоий қиёсий имконияти, ижтимоий қиёфаси кабиларни инобатга олиши зарур бўлади. Бу келтирилган жиҳатлар психологик муаммоларни ҳал этишда раҳбарларга ёрдам беради.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00320

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”//Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т “Шарқ” нашриёти 1997-йил
2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисидаги қонун”//Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т “Шарқ” нашриёти 1997-йил
3. Ғозиев Э //Умумий психология. Тошкент: Ўқитувчи, 2004-йил
4. Р.А.Мавлонова Умумий педагогика //Наврўз нашриёти Тошкент 2016
5. tdpu.uz
6. ziyonet.uz